

## Умра мавсумида ўн миллиондан ортиқ зиёратчилар ташриф буюриши кутилмоқда



15:55 / 13.07.2023 1968

Яқинда Саудия Арабистонида кутилаётган Умра мавсумида ўн миллиондан ортиқ мусулмон зиёратчилар ташриф буюриши кутилмоқда.

Al Arabiya телеканали маълумотига кўра, қироллик Умра мавсумига тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар берган. Бу ҳақда [gulfnews.com](http://gulfnews.com) манбаси хабар берди.

Ҳисоботда Умра хизматларини кўрсатувчи 300 га яқин компания ариза топширган ва тегишли лицензияларни қўлга киритган.

Саудия Арабистонининг Ҳаж ва Умра вазирлиги ҳам ўтган ҳафтада Ҳаж зиёрати тугагандан сўнг Умранинг янги мавсуми учун электрон визалар беришни бошлаганини маълум қилди.

Вазирликнинг билдиришича, Умра визасини олиш учун аризалар <https://www.nusuk.sa/ar/about> Nusuk платформаси орқали тақдим этилади.